

«Бир минг сарт бир ўрис солдатининг этигининг пошнасига арзимайдир» (Фаргона губернатори Иванофнинг сўзи)

Биринчи жахон уруши даврида чор Россияси катта талафотлар кўради. Хукумат бу талафотни тугатиш учун ўзига карам чет ўлкалар аҳолисини мажбуран сафарбар қилади. 1916 йил 25 июнда подшо Николай II нинг «Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия районларида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш» фармониغا Сибир, Урта Осиё ва Гуржистондан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг киши мардикорликка олиниши мўлжалланади. Сафарбар этилганларнинг 250 мингини туркистонликлар ташкил қилиши керак эди. Бу фармон неча ўн йиллардан буён истибдод зулмида кун кечириётган ўлкамиз ахлининг қаҳр-газабини янада жўштириб юборди. Натижада, Туркистонда мардикорчиликка қарши бир қанча кўзғолонлар бўлиб ўтган. Минглаб кишиларнинг беғуноҳ қони тўқилган бу ғалаёнлар ҳақида эса биз хира тасаввурга эгамиз. Лутфулла Олимийнинг куйида чоп этилаётган мақоласи бу масалани бироз ойдинлаштиради, деган умиддамиз. Уни ЎзФА Шарқшунослик институтининг илмий ходими Тешабой Зиёев нашрга тайёрлаган.

1916 йил июль ойларида, рўза вақти, кунлар иссиқ, ҳар ерда иш, дала жонлангон, пахталар чопади, бедалар ўрилади, қовунлар узилади, бозорда қийматчилик бошлангон, халқни очлик даҳшати кўрқутмоқда, дехқонларнинг энг яхши отлари подшоҳ ҳукумати томонидан олингон. Ҳар ерда очлик аломатлари кўринади.

Худди ана шу жойда халқнинг оғзида гивир-шивир сўзлар:

— 19 ёшдан 40 ёшгача мусулмонларни аскарликка олар эмиш.

— Йўқ. Аскарликка эмас, мардикорга олар эмиш. Рўзномада шундай ёзилибди. Халқ орасида хаяжон, бутун фикр шу масала устида йўнатилган. Баъзи кишилар ўз ўглининг оёғини синдириб аскарликка (мардикорликка) ярқисиз қилмоқчи, баъзилари агарда ҳукумат рўйхатга олмоқ учун келса, рўйхатчининг қорнига пичоқ солмоқчи.

Пичоқлар, тешалар, болталар, ханжарлар қайралган. Мачитларда, хонақоҳларда йиги-сиги, оналарнинг бағри қон, кўзлари ёшли.

Подшоҳ учун бошлангон урушнинг охири кўринмайди. Қийматчилик, жабр-зулм, миллий қисинкилик, халқнинг бутун тилағи ҳар нечук бўлсада, подшоҳ ҳукуматининг оғдорилиши.

Бунинг устига «подшоҳ хазратлари»нинг «фармон олий»лари: «Урушнинг орқасидоғи ҳар хил қора ишларини ўташ учун Туркистонда 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон барча эркак зоти сафарбарликка қақирилсин!»

Кўп ўтмасдан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон кишиларнинг рўйхати бошланди. Шунинг билан бирга халқнинг юрағига 30 йилдан бери подшоҳ истибдодига қарши ҳозирлангон исён оловланди, ҳар ерда ташвиқот:

— Подшоҳ энг аввал отларимизни олиб пиёда қолдирди, бизни қучсизлантирди. Энди 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон бутун йигитларимизни олиб, бизни бутунлай битирмақчи.

Мамлақатимизни ўрис унсури билан тўлдирмоқчи!

Буни зиёлилар сўзлайди. Имомларнинг да бир фикри бор:

— Мусулмонларнинг душмани бўлгон подшоҳ бизнинг наслимизни курутиб, ислом динини йўқотмокчи.

Эртага рўйхат бошланади... деган хабарга халк мана бу хилда жавоб берадир:

— Биз рўйхат килдирголи кўймаймиз. Подшоҳга болаларимизнинг тирногинида бермаймиз!

Тонг отди; бу кунги иссиглик бошка кундагиларга карагонда иссирок. Шамол ҳам йўк.

Кушлар ҳам сайрамайдилар. Бу дунё аллакандай дахшатлар кутадир.

Ана пристаф, мингбошилар, палисалар махаллага халкни рўйхат килиш учун чикдилар, лекин махаллаларда, уйларда ёш болалар, қари хотинларгина колгон; ёш кишилар хаммаси ҳукуматга қарши кураш учун бир жойга тўплонгон. Хамманинг ёнида пичок, болта, ханжар ва бошка ўқсиз қуроллар.

Йигилгон халк орасида сўфийлар, зокирлар ҳам бор, улар зикрисамоъ билан халкнинг диний хаяжонини ортдирадирлар.

Мана ҳозир халкка қарши солдотлар, милтиқлар, пулимутлар келади. Лекин халк кўркиш даражасидан ўтган.

Ҳоким томонидан буйруқ:

—Таркалинглар!

Халк жавоб беради:

— Сен солдотларинг ва пулимутларинг билан кет, сўнгра биз таркаламиз.

Кўпда ўтмади. Эллик мингдан ортиқ халкка қарши пулимутлар ва милтиқлардан отиш бошланди. Халк бошда ўлганига қарамасдан пулимутни қўлга киритишга уриниб кўрса-да, ундан ёмғир сингари ёгилиб тургон ўқлар халкни яқинига келтирмади.

Пичоклар милтиқ билан пулимутга қарши кураша олмади. Халк енгилди. Халк қочди.


Солдотлар, палисалар уларни орқасидан қувлаб бориб кўрган жойда отти, чопди, майдонда, кўчаларда йигитлар, чоллар, ўспиринлар қонларга бўялиб ётади. Икки кат хотунларнинг қоринлари устида подшоҳ солдотларининг найзаси санчилиб туради.

Йиқилгон гўдақларнинг қизил лаблари кўқарган, ёш қизларнинг қесилган бошларидаги қора сочлари юзларига ўралиб, уларнинг бетларини қонхўрларнинг кўзларидан саклайдилар. Ярадорларнинг инграган товушлари яқинда оқиб шовуллаб тургон сувга кўшилиб оқадир. Шаҳар қон ичида. Халк қилар ишини билмайдир. Майдонга қикмок учун кўлида қурол йўк.

Л. Олимий, Фаргона



1916 йил мардикор олиш воқеаси Туркистон ерлик халкини канчалик газабга келтирган бўлса, ерлик халкка қарши подшоҳ ҳукумати ҳам шунчалик захрини тўккан эди. Осишлар, қишанга солишлар, камашлар қолғони йўқ. Зулмининг энг қўполлари ишлатилмай қолмади. Хаммаси бўлди. **Сувратда:** Тошкент туманидаги кентлардан бири ҳукуматга қарши исён қўтарганларнинг осиб ўлдирилгани тасвир этиладир. Капустиёнский фото-архиви



Мақола юқорисида. 1916 йил мардикор олиш воқеасида ҳукуматга қарши энг қоттиг отилиб чиққан жой — Жиззах тумани эди. Энг қўп жабр қўрган ҳам Жиззах бўлди. **Сувратда** : подшоҳ ҳукуматига қарши исён қўтарганлар қишанларга солинган қолда қийноқ ва азоб амрини қутиб турадилар. Капустиёнский фото-архиви